**Шартнома**

**Элликқалъа тумани** **№ -08** 28 **Январ 2022 йил**

Бундан буён матнда **“Маҳсулот етказиб берувчи”** деб аталувчи Темур Рухсия МЧЖ корхонаси номидан корхона рахбари Б.Мирзакулов бир томондан ҳамда бундан буён матнда **“Буюртмачи”** деб аталувчи Элликкалъа туман Ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш булими номидан ташкилот раҳбари Ф.Наримов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи” ўзида мавжуд Суюлтирилган газ маҳсулотини “Буюртмачи”га хақини тўлагандан сўнг етказиб беради, “Буюртмачи” эса маҳсулотни хақини тўлаб, қабул қилиб олади.

## 2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ.

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 1 767 000 (Бир миллион етти юз олтмиш етти минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Маҳсулотни нархи томонлар ўртасида эркин нархларда белгиланади.

2.3. Маҳсулотни топшириш вақтида нархи ўзгарса, “Махсулот етказиб берувчи” “Буюртмачи”ни огохлантиради ва уни розилигини олади.

2.4. Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 3. МАҲСУЛОТ МИҚДОРИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ.

| Т/р | Номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси | Етказиб бериш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Суюлтирилган газ | М.куб | 589 | 3000 | 1 767 000 | 2022 йил 31 декабргача |

## 4. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартномадаги шартлар асосида маҳсулот ва унга тегишли ҳужжатларни “Буюртмачи”га топширади.

4.2. “Буюртмачи”га берилиши лозим бўлган махсулотни ва давлат стандартларига жавоб беришини қайта текширувдан ўтказади.

4.3. “Буюртмачи”га маҳсулот топширилгандан сўнг уни саклаш ва қандай ҳолда ишлатиш каби ҳолатларга жавобгарликдан мустаснодир.

## 5. БУЮРТМАЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”га олинадиган Суюлтирилган газ маҳсулоти учун аввалдан 1 767 000 (Бир миллион етти юз олтмиш етти минг) 100 % миқдорида аванс тўлайди.

5.2. Олинган маҳсулотнинг қолган пулини бир ой муддатда тўлаб беришни кафолатлайди.

5.3. Маҳсулотни ўз вактида қабул қилиб олади. Қабул килиб олиш вақтида махсулотни сифати, миқдори шартнома талабларига мос келмаса, бу хақда “Маҳсулот етказиб берувчи”га дарҳол хабар қилади.

5.4. Маҳсулот билан боғлиқ барча жараёнларда хавфсизлик техникаси хамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тўла таъминлашни ўз зиммасига олади.

## 6. МАҲСУЛОТ СИФАТИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ.

6.1. Етқазиб берилган маҳсулот сифати белгиланган андозаларга мос келиши шарт.

6.2. Маҳсулотлар шартномада белгиланган муддатларда етказиб берилади.

6.3. Маҳсулотларни олиб кетиш харажатлари “Буюртмачи” ҳисобидан тўланади.

6.4. Маҳсулотларни “Буюртмачи”нинг вакили сифати ва миқдори бўйича “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборида қабул қилиб олади.

## 7. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

7.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганда, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда “Маҳсулот етказиб берувчи” га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият

бажарилмаган қисмининг 5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 5 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.2. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Маҳсулот етказиб берувчи”га тўланмаган суммани 5 фоизи миқдорида жарима ва ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 5 фоизини, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 8 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

8.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

Шартнома муддати 2022 йил 25 январдан 2022 йил 31 декабргача.

**Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари:**

**“Маҳсулот етказиб берувчи”**

МЧЖ «Темур Рухсия»

Адрес:Элликкалъа тумани, Бустон шахри, Ю.Курбанов кучаси,27 уй

Банк: Халк Банки Элликкалъа тумани филиали

МФО: 00646

ИНН: 206330102
**х/р : 20208000804489926001**

**ОКОНХ: 71150**

Рахбар: Б.Мирзакулов

М.У.

**“Буюртмачи”**

Элликкалъа туман Ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш булими

Бустон шахри Энергетик кучаси 8 уй

ИНН: 200914178
ш/р: 100022860352507042133250001
ОКОНХ: 22200
Элликкалъа туман Газначилик булинмаси
ИНН: 201122919,
Банк : Марказий банк Тошкент шахри
х/р: 23402000300100001010
МФО: 00014

Рахбар: Ф.Наримов

М.У.

TEMUR-RUXSIYA LLC

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: RB81406866

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi**: Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi** : Xo’jalik shartnomasi.

Ellikqal’a tuman veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo’limi va “Temur Ruxsiya” MCHJ o’rtasida №08-sonli 1 767 000 so’mlik suyultirilgan gaz yetkazib berish shartnomasini tuzish haqida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Ellikqal’a tuman veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo’limi tomonidan 2022-yil 22-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022-yil 22-yanavarda kiritilgan.

**4.Loyiha bo‘yicha taklif va (yoki) e’tirozlar:**

Loyiha O’zbeksiton Respublikasi Fuqarolik kodeksining 437-456-moddalariga va 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonun qoidalarga muvofiq ishlab chiqilgan. Xususan, Fuqarolik kodeksining 437-moddasiga ko’ra mahsulot yetkazib berish shartnomasiga muvofiq tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanayotgan mahsulot yetkazib beruvchi — sotuvchi shartlashilgan muddatda yoki muddatlarda o‘zi ishlab chiqaradigan yoxud sotib oladigan tovarlarni sotib oluvchiga tadbirkorlik faoliyatida foydalanish uchun yoki shaxsiy, oilaviy maqsadlarda, ro‘zg‘orda va shunga o‘xshash boshqa maqsadlarda foydalanish bilan bog‘liq bo‘lmagan boshqa maqsadlarda foydalanish uchun topshirish, sotib oluvchi esa tovarlarni qabul qilish va ularning haqini to‘lash majburiyatini oladi.

Xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda oldindan to‘lab qo‘yish albatta nazarda tutilgan bo‘lishi kerak.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Ellikqal’a tumani yuridik**
**xizmat ko’rsatish markazi**
**bosh yuriskonsulti**

**D.Baltayev**

Элликкалъа туман Ветернария булими
рахбари ________________ Ф.Наримов
«24»Январ 2022 йил

Элликкалъа туман Навойи МФЙда жойлашган Элликкалъа Ветерния ва чорвачиликни ривожлантириш булими 2022 йил Январ-феврал-март ойларида сотиб олиш буйича талабгор пудратчи ташкилотлар танловини утказиш буйича танлов камиссияси йигилишининг №-01 сонли

## БАЁННОМАСИ

Комиссия раиси: - Ф.Наримов Рахбар
Аъзолари - Х.Базаров Булим бошлиги уринбосари
Ю.Юсупов бош хисобчи
- М.Артиков Хужалик ишлари мудири

## ТИНГЛАНДИ:

Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил январ феврал март ойларида белгиланган маблагдан ташкилот баланисидаги давлат раками 95-403 ВАА МАТИЗ автамабилига Узбекеистон Республикаси Прездентининг ПП-3953 сонли карорига асосан Ёкилги **(Пропан)** етказиб берувчи шахобчаларини тижорат таклифлар келиб тушиб сотиб олиш ишлари буйича бахоларини аниклаш максадида куйидаги Темур Рухсия МЧЖ, Руслан Петрол МЧЖ, Адхам Бахриддин МЧЖ, ёкилги куйиш шахобчалари тижорат таклифлари кўриб чикилди.

Элликкалъа Ветеренраия ва чорвачиликни ривожлантири булими рахбари Ф.Наримов сўзга чикиб бу ёкилги куйиш шахобчалар ичида Темур Рухсия Ёкилги махсулотлари сифатли ва арзонлигини айтиб ўтди.

Унга кура куйидаги Товар (иш хизмат) ва ёкилги **(пропан)** етказиб берувчилардан куйидагича таклифлар тушди

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони | «Темур Рухсия» МЧЖ | «Руслан Петрол» МЧЖ | «Адхам Бахриддин» МЧЖ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Ёкилги (Пропан)** | литр | 589 | 1 767 000 | 1 769 000 | 1 769 354 |
| 2 | | | | | | |
| 3 | | | | | | |
| 4 | | | | | | |
| 5 | | | | | | |
| | **Жами:** | **х** | 589 | 1 767 000 | 1 769 000 | 1 769 354 |

Танлов савдоларини утказувчи камиссия аъзолари махсулот етказиб берувчи ташкилотлар томонидан такдим килинган тижорат таклифларни мухокама килиб, киймати арзон ва сифатли махсулот сотиб олиш кераклилигини билдирди. Такдим килинган тижорат таклифлар ичида битта ташкилот махсулоти камиссия аъзоларига маъкул булиб, ушбу ташкилотни танлов голиб деб эълон килиш буйича карор кабул килишни билдирди.

Кун тартибидаги масала буйича билдирган таклиф мулохазалардан келиб чикиб, танлов камиссияси томонидан:

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ташкилот баланисидаги Матиз автамашинасига Ёкилги **(Пропан)** сотиб олиш ишлари буйича Темур Рухсия МЧЖ такдим килаётган ёкилги махсулотларни сотиб олишга дойир утказилган танлов голиби асосли деб топилсин.

Етказиб бериш таклифи кабул килинсин ташкилот танлови голиб деб топилсин.

2. Ушбу шартнома ижросини таъминлаш Элликкалъа Ветернария ва чорвачиликни ривожлантириш булими бош хисобчиси Ю.Юсупов Темур Рухсия МЧЖ вакили икки томонлама шартномаси тузишга таклиф килинсин ва умумий назорат ташкилот рахбари Ф.Наримовга юклатилсин.

Ушбу баённома мазмуни ва кабул килинган карор асосли деб имзо чекувчилар:

Булим бошлиги уринбосари: Х.Базаров

Бош хисобчи: Ю.Юсупов

Хужалик ишлари буйича мудири: М.Артиков